



Француз ёзувчиси Александр Дюма 1844 йилда "Уч мушкетёр" номли бир роман ёзади. Романда подшоҳнинг уч арокхўр кўрикчилари яна бир тўртинчи шериклари билан бирга Франция кироличасининг бир топширигини бажарадилар. Хуллас, французлар бу тўкима саргузаштларни дунёга таркатиб, уч арокхўр француз чавандозларидан афсонавий кахрамонлар ясайдилар. Холбуки, улар ўша киссанинг ўзида ҳам макташга арзигулик ҳеч иш қилмайдилар...

Энди эътиборингизни шу ходисадан 1200 йил олдин юз берган бошқа бир воқеага қаратсам. Буниси тўкима эмас, тарих зарваракларига битилган ҳақиқатдир. 3000 сонли исломий мужоҳидлардан тузилган кўшин билан уч асл чавандоз 200 000 кўшинли Рим империясига қарши жанг қилиш учун араб саҳросидан Шом диёрлари сари йўл олади. Мана шу оз сонли кўшин тарихда мисли кўрилмаган галабага эришди ва бу афсонавий зафар жанг майдонидаги шу уч асл чавандознинг ўз жонларини фидо қилишлари эвазига қучилганди. Улар қандайдир бир подшоҳ йўлида эмас, Франция кироличаси учун эмас, мана шу Диннинг сиз билан бизга етиб келиши йўлида жон фидо қилгандилар. Бу уч чавандоз Зайд ибн Хориса, Жаъфар ибн Абу Толиб ва Абдуллох ибн Равохалардир. Аллох улардан рози бўлсин ва уларни рози қилсин. Хўш, сиз уларни танийсизми? Улар ҳақида ҳеч ўқиганмисиз, эшитганмисиз?

Мен ўзларининг сохта, тўкима киссаларини жар солиб, дунёга таркатаётган французларни эмас, ўзларининг ҳақиқий, тарихий кахрамонларини унутаётган, йўқламаётган, ёдга олмаётган мусулмонларни айблайман. Французлар ўзларининг тўкима уч чавандозини мактабларда таълим бериб, мультфильмлар ишлаётган бир пайтда мусулмон болалари ва ҳатто ўсмирлари ўзларининг шонли тарихларидан мутлақо беҳабар қолмоқдалар.

Мана шу кўргулик туфайли болаларимиз аллақандай ўргимчак одам (спайдерман) ёки афсонавий шахс (суперман) бўлишни орзу қиладилар. Қодисия жангида ёлғиз ўзи оқ филни ўлдириб, жасорат кўрсатган Каъкаъ ибн Амр Тамимий эса бировнинг ҳаёлига ҳам қелмайди. Ўргимчак одам (спайдерман) ўзи қимлигини биласизларми? У Нью-Йорк шаҳарларини химоя қиладиган тўкима яҳудийдир. Ҳатто шу ролни ижро этадиган актёр ҳам яҳудий бўлиши керак. Бу иш албатта, яҳудийларнинг зарарига эмас, фойдасига

---

2 / 3

Муаллиф:

16.11.2023 22:04 -

---

амир Мухаммад ибн Абдулкарим Хаттобий хакида ўкиганмисиз, эшитганмисиз? Геваранинг шахсан ўзи партизанлар урушини мана шу исломий кўмондондан ўрганганини эътироф этган. Ўша пайтда саҳобаларнинг фидойи гурухлари форсларнинг Тастур шаҳрини ишғол қилишда ер остидан, анхорлару шалолалар остидан шаҳарга кириб борган эдилар.

Шуни эсдан чиқармайликки, тарихимиздан бегоналашаётганимизнинг асосий сабабларидан бири тарихимизга қаратилган ҳужумдир. Улар буюк Ислом тарихини бўяб кўрсатишга уриняптилар. Масалан, Аҳмад ибн Фазлон каби ноёб пахлавонлар хотираси йўқ қилиниб, ўрнига Алибобо каби тўқима, сохта пахлавонлар жойлаштириляпти. Шу билан тарихимизда жиноятчи кўмондонлару савдойи олимлар қоляпти, холос.

Кахрамонларимиз эса сеҳрли чироклару учар гиламларсиз ҳеч иш қила олмайдиган нотаваонлар бўлиб қоляпти. Мусулмонмисан, тамом, кахрамон бўлишинг учун ё саҳрога чиқиб кетишинг ёки қоп-қоронғу горга кириб кетишинг лозим.

Ганимлар қалбингизга шу ҳис-туйғуни экканларидан кейин ўзингиз сезмаган ҳолингизда намуна-ўрнак бўлиш неъматидан мосуво бўла бошлайсиз. Шу билан ёшларимизда рухий синиш, жароҳатланиш пайдо бўлиб, алалоқибат, анави ганимларга тобе бўлишдан ўзга чора қолмагандек туюла бошлайди. Ана шу пайтда сиз билан биз осонгина ачиган мевадек чиқиндига чиқамиз-қоламиз...

Лекин энди уларнинг бу номери ўтмайди. Энди замон ўзгарди. Энди ўз тарихимизни ўз қўлларимиз билан ёзурмиз. Энди Ислом умматининг асл ўғлонлари, тарих йўналишини ўзгартира олган буюк кахрамонлари хақидаги уйдирмалар йўқ қилинур, губорлар қетказилур...